

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ЭГАМНАЗАРОВ ҚОБИЛ АБДУНАЗАРОВИЧ

**ҚАРДОШ БЎЛМАГАН ТИЛЛАР ТИЗИМИДА НОАНИҚ
ОЛМОШЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ
(ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик, таржимашунослик

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Эгамназаров Қобил Абдуназарович

Қардош бўлмаган тиллар тизимида ноаниқ олмошларнинг қиёсий-типологик тадқиқи (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)..... 3

Эгамназаров Қобил Абдуназарович

Сравнительно-типологическое исследование неопределенных местоимений в системе неродственных языков (на примерах английского и узбекского языков)..... 29

Egamnazarov Qobil Abdunazarovich

Comparative-typological research of indefinite pronouns in the system of non-relative languages (in the English and Uzbek languages)..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 61

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ЭГАМНАЗАРОВ ҚОБИЛ АБДУНАЗАРОВИЧ

**ҚАРДОШ БЎЛМАГАН ТИЛЛАР ТИЗИМИДА НОАНИҚ
ОЛМОШЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАДҚИҚИ
(ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик,
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fil1183 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdchti.uz ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усмонов Ўрол Усмонович
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Хайруллаев Хуршид Зайниевич
филология фанлари доктори, доцент

Қаландаров Айбек Рузимбаевич
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «31» август соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (61196 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2022 йил «19» август кuni тарқатилди.
(2022 йил «19» август даги №44 рақамли реестр баённомаси).



И.М.Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Ғ.Қ.Мирсанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори, доцент

Ш.С.Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида анъанавий синтаксиснинг баҳсли масалаларини тизимли ўрганиш, гап таркибида ноаниқ олмошлар ёрдамида ноаниқлик категориясини қиёсий-функционал таҳлил қилиш ҳамда ушбу ҳодисаларнинг онтологик моҳиятини аниқлаш, уларнинг тиллараро муносабатини ўрганиш масаласи тилшунос олимларнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Шунингдек, воқеа-ҳодисаларнинг прагматик ифодасини белгилашда бажарилаётган иш-ҳаракат ноаниқлигини акс эттирувчи тил бирликларининг дифференциал синтактик-семантик белгиларини аниқлаш, уларнинг коммуникатив тилшунослик, нутқ фаолияти назарияси, мазмуний синтаксис каби масалаларини қардош ва қардош бўлмаган тиллар материаллари асосида атрофлича ёритиш эҳтиёжи мавжуд. Мазкур лисоний назарияларга оид ёндашувлар асосида тадқиқотлар олиб бориш заруратининг мавжудлиги мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Дунё тилшунослигида дунёнинг лисоний тасвири ва уларнинг лингвистик хусусиятларини тадқиқ қилиш илмий изланишлар истиқболини яратади. Шунингдек, ноаниқлик категориясини ифодаловчи синтактик бирликларнинг чоғиштирма таҳлили инглиз ва ўзбек тиллари тизимида ушбу категорияни идрок этиш ва уни нутқий фаолиятда воқеланиш даражасини ўрганиш типологик умумийлик ва хусусийликни белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, ноаниқлик категориясига хос ҳодисаларнинг функционал самарадорлиги, дискурсив талқини ҳамда синтактик сатҳда намоён бўлиш моҳияти билан боғлиқ жиҳатларини тадқиқ этиш тамойиллари турли тилларда қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганилмаган. Бу, ўз навбатида, мазкур мавзуни комплекс тадқиқ этиш заруратини белгилайди.

Мустақиллик йилларида инглиз ва ўзбек тиллари тизимида ноаниқликни билдирувчи олмошларни қиёсий типологик жиҳатдан ўрганишда жиддий ютуқларга эришилган бўлса-да, синтактик сатҳда қардош ва қардош бўлмаган тиллар тизимида ноаниқликни акс эттирувчи олмошларининг гап таркибида синтактик алоқаларини аниқлашда янгича таҳлил усулларидан фойдаланиб, яъни компонент ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш эҳтиёжи мавжуд. Мазкур тадқиқотда ноаниқлик категориясини ифодаловчи олмошларнинг гап таркибидаги синтактик ўрни ва синтактик белгилари синтагматик планда таснифланади ва аниқланган компонентларнинг дифференциал синтактик-семантик белгилари парадигматикаси қиёсий чоғиштирма жиҳатдан ўрганилади. Бу эса мавзу бўйича бажарилган тадқиқотлар кўламини янгича қарашлар ва лингвистик ёндашувлар билан бойитади. “Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини Республикамиз таълим муассасаларига жорий этиш, яъни ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълим тизимида

босқичма-босқич ўтиш”¹ вазифасининг ижросини таъминлашда шундай кўламдаги қиёсий изланишлар натижалари юқори самара беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йиллардаги бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, шунингдек, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ҳамда уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлардаги фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сонли “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида синтактик-семантик таҳлил турли тиллар тизимида тилшунос олимларнинг доимий диққат марказида бўлиб келган.

Олмошлар тадқиқи борасида инглиз тилида Richard Hogg, David Denison, Alfred Bammesberger, Rodney Huddleston, Ash Asuden, C.E. Bazell², рус тилшуносларидан Т.Милевский, И.П.Крылова, Н.Баскаков, Ф.И.Буслаев³, ўзбек тилшуносларидан Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуров, Қ.Махмудов, Б.Юсупов⁴ сингари тилшунослар илмий изланишлар олиб борган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847 сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони / Халқ сўзи, 09.10.2019. № 209 (7439)

² <https://www.cambridge.org/9780521662277>; <https://www.twirpx.com/file/2227288/>; <https://www.amazon.com/Cambridge-Grammar-English-Language/dp/0521431468>; Ash Asuden. Relational nouns, pronouns and resumption // Linguistics and Philosophy (2005) Institute of Cognitive Science 2201 Dunton Tower, Carlton University, Ottawa, On K1S 5B6, Canada, 2005. – P. 375 – 446.; Bazell C.E. Syntactic relations and Linguistic typology. – Longman, 1956. – 148 p.

³ Милевский Т. Предпосылки типологического языкознания // Исследования по структурной типологии АН СССР. – Москва, 1963. – 280 с.; <https://bigl.ua/p1167068486-krylova-grammatika-sovremennogo>; http://www.orientalstudies.ru/rus/index.php?option=com_publications&Itemid=75&pub=4886; Буслаев Ф.И. Историческая грамматика русского языка. – Москва: Учпедгиз, 1968. – 623 с.

⁴ Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш., Махмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Автонашр, 2008. – 527 б.; Юсуфов Б. Местоимения в староузбекском литературном языке (XV-XVI вв.) – Тошкент:Фан, 1991. –146 с.

Олмошларнинг синтактик-семантик вазифалари таҳлили масалалари тадқиқи юзасидан инглиз тилшуносларидан Martin Haspelmath, Waterman, T.Hewett, R.Quirk ⁵, рус тилшуносларидан А.М.Мухин, О.Г.Ветрова, В.Н.Жигадло, И.П.Иванова, Л.Л.Иофик, Б.А.Ильиш, Э.А.Макаев, Т.Милевский, В.С.Храковский ⁶, ўзбек тилшуносларидан У.К.Юсупов, Дж.Буранов, Т.Бушуй, Ш.Сафаров, У.У.Усманов, М.С.Қаюмова, Ф.М.Усманов, Ш.Ашуров, Р.Асадов, М.Р.Жоллыбекова, Д.Т.Кубейсинова, А.Р.Қаландаров ⁷ ва бошқалар тил бирликларининг синтактик-семантик ифодаси ва қиёсий типологик тадқиқот ишларини амалга оширган.

Ноаниқликни ифодаловчи олмошлар барча тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида бир умумийликка, яъни ноаниқлик маъносига эгадир. Ноаниқликни ифодаловчи бундай олмошлар ўзбек тилида гумон олмошлари деб юритилади. Шу сабабли тадқиқот ишида инглиз ва ўзбек тилларидаги мисоллар таҳлили жараёнида гумон олмоши номининг ўрнида айрим ҳолларда ноаниқ олмош жумласи қўлланилган⁸.

Хусусан, ўзбек тилшунослигида И.Суяров, Х.Комилова, О.Юсуповаларнинг ⁹ тадқиқотларида гумон олмошларининг лингвистик

⁵ [https://www.researchgate.net/publication/259810954_Indefinite_pronouns:_The_Historical_Use_of_the_Relative_Pronouns_in_English_Literature_\(jstor.org\);](https://www.researchgate.net/publication/259810954_Indefinite_pronouns:_The_Historical_Use_of_the_Relative_Pronouns_in_English_Literature_(jstor.org);) <https://www.amazon.com/Cambridge-Grammar-English-Language/dp/0521431468>; Quirk R. A University Grammar of English. "Vysšaja škola", Moscow: 1982. – 391 p.

⁶ Мухин А.М. Функциональный синтаксис. Функциональная лексикология. Функциональная морфология. – Санкт – Петербург: 2007. –198с.; Ветрова О.Г. Вокативность как синтаксико-семантический признак // Лингвистические исследования – 1981. Грамматическая и лексическая семантика. АН СССР. Институт языкознания: –Москва:1981. – С.44-49; Жигадло В.Н., Иванова И.П., Иофик Л.Л. Современный английский язык. Изд-во литературы на иностр. языках. Москва, 1956. – 350с.; Ильиш Б.А.История английского языка. – Москва: Высшая школа, 1963. – 120 с.; Макаев Э.А. Сравнительно-сопоставительная и типологическая грамматика // Вопросы языкознания. – Москва: Наука, 1964. №1. – С. 3-13.; Милевский Т. Предпосылки типологического языкознания // Исследования по структурной типологии АН СССР. – Москва, 1963. – 280 с. Храковский В.С. Некоторые проблемы синтаксической типологии // Acte Universites Carolinae – Philologica, 1974. – С. 4-12.

⁷Юсупов У.К. Развитие сравнительного языкознания в Узбекистане. Қиёсий тилшунослик: аънаналар ва истиқбол. Проф. М.М. Нушаров хотирасига бағишланган республика илмий-назарий конференцияси материаллари. – Самарқанд: СамДЧТИ, – 2006. – С. 16-19.; Буранов Дж. Сравнительная типология английского и тюркских языков. – Москва: Высшая школа, 1983. – 268 с.; Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007. – 274б.; Усмонов Ў.У., Қаюмова М.С. Негатив маънони ифодаловчи боғловчиларнинг гапдаги ўрни / Til tizimi sathlari: semantik-funksional va struktur asoslar: Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari. (Samarqand shahri, 2009-yil, 18-19 dekabr) – Samarqand, 2009.– В. 20-22.; Усманов Ф.М. Синтактико-семантическая сопоставления двусоставных безглагольных предложений (на материале английского и узбекского языков): Дисс... канд. филол. наук. – Самарқанд: 2012. – 149с.; Ашуров Ш.С. Инглиз ва ўзбек тилларида кесим типологияси // Филол.фан. ном. дисс... – Самарқанд, 2007. – 154 б.; Асадов Р.М. Инглиз тили содда гап қурилмаларида моновалентли ва поливалентли компонентларнинг синтаксем таҳлили: Филол. фан. бўйича фал. док. (PhD). дисс... автореф. – Тошкент, 2018. – 53б.; Жоллыбекова М.Р. Типология неполных предложений диалогической речи в разносистемных языках (на материале английского и каракалпакского языков): дисс... канд. филол. наук. – Нукус: 2008. – 156с.; Кубейсинова Д.Т. Синтаксико-семантические особенности личных местоимений в структуре предложений современного английского языка: Дисс... канд. филол. наук. – Нукус, 2008. – 151с.; Қаландаров А.Р. Инглиз ва ўзбек тилларида компаративлик категорияси ифодаланишининг синтактик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. док. (PhD) дисс... автореф. – Тошкент, 2019. – 50 б.

⁸[http://library.navoiyuni.uz/files/hozirgi%20o%60zbek%20adabiy%20tili%20\(%20u.%20tursunov,%20a.%20muxtorov,%20sh.%20rahmatullayev%20\).pdf](http://library.navoiyuni.uz/files/hozirgi%20o%60zbek%20adabiy%20tili%20(%20u.%20tursunov,%20a.%20muxtorov,%20sh.%20rahmatullayev%20).pdf); <http://hozir.org/download/sh-shoabduramonov-m-asarova-a-ojiev-irasulov-x-donierov.doc>

⁹Суяров И.Местоимение в современном узбекском литературном языке: Дисс... канд. филол. наук. – Самарқанд: СамГУ, 1965. – 294 с.; Юсупова О. Ўзбек тилида олмошларнинг функционал-стилистик хусусиятлари. – Самарқанд, СамДУ нашри, 2017. –140 б.

табиати, функционал-стилистик воқеланиши, грамматик хусусиятлари тўғрисида атрофлича мулоҳазалар юритилган. Б.Юсуфов, Ҳ.Неъматов, Ж.Ҳамдамов, У.Санакулов¹⁰ лар тадқиқотларида олмош турлари қаторида гумон олмошининг тарихий тараққиёти, этимологияси хусусида маълумот берилган. Бироқ гумон олмошларининг синтактик хусусиятлари алоҳида тарзда монографик планда тадқиқ этилмаган.

Рус тилшуноси Л.А.Сучкова¹¹ “Ҳозирги замон инглиз тилида гумон олмошларининг синтактик-семантикаси” мавзусидаги монографик ишида ноаниқ олмошлар ҳақида изланиш олиб борган бўлса-да, у барча ноаниқ олмошларни қамраб ололмаган. М.И.Гадоева¹² “Ноаниқликнинг типологик категорияси ва унинг турли тизимли тилларда ифодаланиши” (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида) мавзусидаги илмий-тадқиқотида ноаниқлик категориясининг қардош бўлмаган тиллар тизимида ифодаланишини тадқиқ этган ва гумон олмошларининг хусусиятларини ёритиб берган. Бироқ, олмошларнинг синтактик алоқалари, дифференциал синтактик белгилари ҳамда синтактик сатҳда семантик майдон масалалари олималарнинг ўрганиш объектидан четда қолган. Тилшунос О.Абдуллаева¹³ ўзбек тилидаги аниқлик ва ноаниқлик категорияси ҳақида тўхталиб, фақат бу категория от сўз туркумига мансублигини таъкидлайди. Аммо у олмошларнинг аниқлик ва ноаниқлик категориялари ҳақида ҳеч қандай фикр билдирмайди.

Юқорида қайд этилган тадқиқотлардан келиб чиққан ҳолда, тил тизимининг мураккаб ҳодисаларидан бири бўлган ноаниқлик категориясининг табиати, унинг функционал-коммуникатив хусусиятлари ҳар иккала қардош бўлмаган тиллар мисолида тўлиқ тавсифланмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Мазкур тадқиқот гумон олмошларининг синтактик сатҳда семантик воқеланиши, прагматик вазибалари таҳлиliga бағишланган бўлиб, гумон олмошларининг гап таркибидаги синтактик ўрни, синтактик белгиларининг синтагматик режада таснифланиши ва аниқланган компонентларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларининг парадигматикаси қиёсий-чоғиштира жиҳатдан компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш орқали ўрганилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институтида ўрганилаётган “Тапнинг ташқи ва ички қурилмаси муаммолари ва уларнинг қиёсий

¹⁰Юсуфов Б. Местоимения в староузбекском литературном языке (XV-XVI вв.) – Тошкент: Фан, 1991. – 146 с.; Неъматов Ҳ. XI-XII аср ёзма ёдгорликларида олмошлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1979.-№1. – Б. 26-30.; Ҳамдамов Ж. Ўзбек тили тарихи. II қисм. Тарихий морфология. Биринчи бўлим. – Самарқанд: СамДУ, 2003. –180 б.; Санакулов У.С. Ўзбек ёзма адабий тили фонетик, морфологик меъёрларнинг шаклланиши ва тараққиёти (илк босқич): Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 2007. – 61 б.

¹¹Сучкова Л.А. Синтаксическая семантика неопределённых местоимений в современном английском языке: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ленинград, 1983. – 20 с.

¹²Гадоева М.Х. Типологическая категория неопределённости и способы её выражения в разносистемных языках (на материале английского и узбекского языков): Автореф. Дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1989. – 23 с.

¹³Абдуллаева О. Ўзбек тилида аниқлик ва ноаниқлик категорияси ва белгисиз келишиклар масаласи. Ўзбек тили тарихи масалалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.156-168.

типологияда тутган ўрни” мавзусидаги инновацион илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек тиллари гап қурилмаларида ноаниқликни ифодалашда иштирок этаётган олмошларнинг синтактик мақомини аниқлаш ва уларни тиллараро қиёсий таҳлил қилиш ҳамда улар ифодалаган синтаксемаларни таснифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гап таркибида ноаниқликни ифодаловчи олмошларнинг синтактик тузилмалари синтактик бирликларнинг гапдаги бошқа бирликлар билан синтактик алоқалари ҳамда уларнинг дифференциал синтактик белгиларини юнкцион ва компонент моделлар ёрдамида изоҳлаш;

инглиз ва ўзбек тиллари гап таркибида ноаниқликни ифодаловчи унсурларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини ўзаро қиёслаб таҳлил қилиш;

ҳар иккала қардош бўлмаган тиллар тизимида индефинит (ноаниқ) семаларнинг синтактик сатҳдаги коннотатив ва факультатив вариантларини аниқлаш ҳамда уларнинг парадигматикасини очиқ бериш;

инглиз ва ўзбек тиллари тизимида ноаниқликни акс эттирувчи олмошлар синтактик бирликларни синтактик ўрни ва семантик хусусиятларига кўра фарқлаш;

қиёсланаётган тилларда индефинитлик семантикасини воқелантиришда тил тизимининг луғат ва грамматик сатҳларига дахлдор воситалар фаоллашув меъёрининг лисоний ифода имкониятлари билан биргаликда нутқий мулоқот муҳити билан боғлиқлигини аниқлаш;

ноаниқликни билдирувчи олмошлар ифодалаган ҳар бир синтаксеманинг қардош бўлмаган тиллар тизимида изоморфлик ва алломорфлик хусусиятларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тиллари гап таркибида иштирок этган ноаниқликни ифодаловчи олмошларнинг синтактик-семантик майдони олинган.

Тадқиқотнинг предмети гап таркибида ноаниқликни акс эттирувчи олмошлар ифодалаган индефинит синтаксемаларнинг чоғиштирма таҳлили ва тавсифи ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Гап таркибида келган ноаниқликни акс эттирувчи олмошларни тадқиқ қилишда дистрибутив, трансформация методлари ҳамда компонент ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш, шунингдек, қиёсий-чоғиштирма тавсиф методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

гап таркибида индефинит (ноаниқ) синтаксема ўрнида иштирок этаётган тил бирликларининг систем-структур мақомини белгиловчи синтактик алоқа турлари грамматик моделлаштириш амаллари асосида аниқланган;

ифодаланган синтаксемаларнинг семантик маъно нуқтаи назаридан ўзаро мутаносиблик ва структуравий номутаносиблик кўринишларида нутқий воқеланиши исботланган;

қардош бўлмаган инглиз ва ўзбек тиллари тизимида индефинит семаларнинг синтактик сатҳдаги коннотатив ва факультатив вариантларини аниқлаган ҳолда уларнинг парадигматикаси очиб берилган;

индефинит синтаксемаларнинг парадигматик қаторини ташкил қилувчи синтактик бирликлар вариантларини ажратиш ва тавсифлаш усулларини такомиллаштириш мақсадида лисоний бирликларнинг вазифавий барқарорлигини ҳамда шакл ва мазмун муносабатини инобатга олувчи тавсиялар ишлаб чиқилган;

қиёсланаётган тилларда индефинитлик семантикасини воқелантиришда тил тизимининг луғат ва грамматик сатҳларига даҳлдор воситаларнинг фаоллашув меъёри лисоний ифода имкониятлари билан биргаликда нутқий мулоқот муҳити билан боғлиқлиги очиб берилган;

индефинит синтаксемалар ва уларнинг парадигматик қатори қиёсий-чоғиштирма жиҳатдан изоморфлик ва алломорфлик хусусиятлари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Инглиз ва ўзбек тилларининг синтактик тизимида индефинит семалар вариантларини юзага келтирувчи лисоний ва нолисоний воситалар гуруҳлари аниқланиб, уларнинг вазифавий ва семантик белгилари чегараланган;

Нутқий тузилмалар таркибида намоён бўладиган ноаниқлик муносабатларининг тадқиқ этилиши грамматик норма қоидаларидан амалиётда фойдаланиш ҳамда инглиз ва ўзбек тилларини ўрганувчи талабаларга гапнинг ноанъанавий таҳлилини ўргатиш ва ўрганиш юзасидан қиёсий тилшунослик фанлари бўйича машғулотларни ташкил қилишнинг методик таъминоти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг таснифланиши, аниқ лингвистик методлар орқали таҳлил қилишга асосланганлиги, ишончли назарий манбалар ҳамда илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги, бадиий асарлардан мисоллар йиғилганлиги, назарий ва амалий тадқиқотлардан олинган натижаларнинг ўзаро мувофиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти инглиз ва ўзбек тиллари гап қурилмасида индефинит унсурли синтактик бирликлар маълум лингвистик методлар асосида қиёсий-чоғиштирма жиҳатдан таҳлил қилинган ҳолда улардаги изоморфлик ва алломорфлик хусусиятлари ёритиб берилганлиги, аниқланган синтактик алоқалар асосида синтагматик йўналишда синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик белгилари, парадигматик йўналишда эса, уларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини тадқиқ этиш ҳамда уларни қиёслаш синтактик типологиянинг муҳим бир аспекти эканлиги кўрсатилганлиги билан белгиланади. Индефинит унсурли гапларнинг бундай тадқиқ этилиши синтактик жиҳатдан қиёсий-чоғиштириш назариясини янада бойитишга хизмат қилади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти назарий, амалий ва қиёсий-типологик грамматикаларга доир дарсликлар, ўқув қўлланмалар

яратишда, юқори босқич талабалари учун синтактик типологиядан назарий маълумотлар бериш ҳамда магистрантлар учун қиёсий типологиянинг долзарб муаммолари, систем тилшунослик бўйича махсус танлов курслари ўқиш ва ўқув қўлланмалари ҳамда услубий тавсияномалар тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ноаниқлик категориясининг синтактик-семантик белгилари инглиз ва ўзбек тилларида чоғиштирма тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

Гап таркибида индефинит синтаксема ўрнида иштирок этаётган бирликларнинг систем-структур мақомини белгиловчи синтактик алоқалар турлари, индефинит синтаксемалар ва уларнинг парадигматик қатори қиёсий-чоғиштирма жиҳатдан изоморфлик ва алломорфлик ҳодисаларида, қиёсланган тилларда индефинитлик концептуал семантикасини воқелантиришда тил тизимининг луғат ва грамматик сатҳларига даҳлдор воситаларнинг фаоллашув меъёри лисоний ифода имкониятлари билан биргаликда, нутқий мулоқот муҳити билан боғлиқлиги каби илмий-методик натижаларидан ОТ – Атех -2018-519 “Компьютер имитацион моделлар асосида виртуал ресурслар Web - иловасини дастурий таъминотини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 24 сентябрдаги 2298/30.02.01-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши грамматик моделлаштириш амаллари татбиқида, индефинит синтаксемаларнинг парадигматик қаторини ташкил қилувчи бирликлар вариантларининг вазифавий барқарорлигини ҳамда шакл ва мазмун муносабатини инобатга олувчи методик тавсиялар яратилишига хизмат қилди.

Ноаниқлик мазмуни ифодасида иштирок этадиган лисоний бирликларнинг сатҳлараро муносабати, синтактик вариативлик белгиларига оид хулосалардан И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 18 августдаги 1725/30.02.01-сон маълумотномаси). Тадқиқотнинг илмий натижалари қардош бўлмаган икки тилдаги муштарак тамойилларни белгилаш имконини яратган.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги олмошларнинг категориал ва нокатегориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан субстанциаллик (предмет ёки шахс) ва квалификативлик (хусусият, белги) доирасида индефинит синтаксеманинг вариантларидан Европа Иттифоқининг Эрасмус+ дастури 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP CLASS: “Computational Linguistics at Central Asian universities” номли – лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 18 августдаги 1724/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада субстанциаллик ва квалификативлик белгиларининг ифодасида ноаниқликнинг ўзига хос белгиларини конкретлаштиришга эришилган.

Мазкур тадқиқот ишидаги инглиз ва ўзбек тилларидаги олмошларнинг ифодаланиш механизми тўғрисидаги таҳлил натижаларидан “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 18 августдаги 1723/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада тил ўқитиш назарий жиҳатларининг такомиллашувига эришилган.

2018-2020-йилларга мўлжалланган БВ-Атех-2018 (143) рақамли “Кўзи ожиз шахслар учун компьютер техникасидан фойдаланиш, матнларни ўқиш ва ёзиш имконини берувчи ўзбек тилига асосланган гапирувчи дастурий таъминот ва овоз синтезаторини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида мутахассислик фанлардан ахборот-коммуникацион технологиялари ёрдамида виртуал ресурслар яратишда рус тилшунос олими А.М.Мухин ва унинг шогирдлари томонидан қўлланилган компонент ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш методларидан “Матн таҳлили”, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Амалий ва назарий грамматика”, “Ўқиш ва ёзиш амалиёти” фанларидан талабаларга инглиз ва ўзбек тилларидаги олмошларнинг ифодаланиш механизмини ўргатишда диссертациянинг илмий натижаларидан фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 2 декабрдаги 01/4-2410-сон маълумотномаси). Натижада тил ўқитишнинг назарий жиҳатларининг муайян такомиллашувига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 6 таси республика, 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, боблар бўйича хулосалар, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва ишда фойдаланилган қисқартмалар изоҳидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 148 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш. Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинганлиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Жаҳон тилшунослигида олмошлар тадқиқи**” деб номланиб, қиёсий-структур тилшуносликнинг асосий тушунчалари, олмошларнинг тарихий тараққиёти, таснифланишига доир турли ёндашувлар, гумон олмошларининг гапдаги синтактик вазифалари масалаларига бағишланган.

Жаҳон тилшунослигида инглиз тилининг тараққиёт тарихи уч даврга бўлиб ўрганилган: қадимги инглиз тили даври - V-XI асрлар, ўрта инглиз тили даври - XI-XV асрлар ва илк янги инглиз тили даври - XV асрдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврлардир. Олмошларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг салмоғи ошиши ҳамда ривожланиш тарихига эътибор қаратилганда, тилшуносларнинг фикр ва мулоҳазалари ҳар хиллигини кузатдик. Масалан, Б.А. Ильиш қадимги инглиз даврида: кишилиқ, эгалиқ, кўрсатиш, сўроқ, аниқлик, ноаниқ, инкор ва нисбий олмошларни эътироф этган. У *sum* – қандайдир, бир, битта, аллақандай, аллақайси, алланечук, *æniz* – қандай бўлмасин, бирор, биронта, бирор бир каби олмошларни ноаниқ олмошларга киритган¹⁴.

И.П.Иванова, Л.П.Чахоянларнинг фикрига кўра, қадимги инглиз тили даврида кишилиқ, кўрсатиш, эгалиқ, сўроқ, ноаниқ ва ноаниқ кишилиқ олмошлари мавжуд бўлган¹⁵. Ноаниқ олмошлар *zehwā* – ҳар, ҳар бир, ҳар қандай; *sum* – қандайдир; *æniz* – қандай бўлмасин, бирор, биронта, бирор бир, қандайдир; *swilc* – шундай; *æle* – ҳар бир, *æzPer* – иккидан бири, *sē ilce* – айнан ўша сўзларидан иборат бўлиб, *sē ilce* олмоши кучсиз турланишга, бошқалари эса кучли турланишга эга бўлганлиги таъкидланган.

Маълумки, қадимги инглиз тили даврида олмошлар келишиқ, сон, род категориялари асосида турланган. Ўрта инглиз даврига келиб юқорида қайд этилган олмошларга қўшимча ўзлик ва нисбий олмошлари пайдо бўлган. Ноаниқ кишилиқ олмоши “*men*” ўрнига “*one*” олмоши ишлатилган. Ушбу даврда ноаниқ ва инкор олмошлари *some*, *any*, *non* ҳамда *each*, *every* турланишдан тўхтайдди. Қадимги инглиз тили даврида олмошлардан *man*, *men*, *me* ноаниқ кишилиқ олмошлари маъносида урғусиз, кучсизланган ҳолатда ишлатилган. Ноаниқ олмоши *oon* (= *one*) нинг ўрта инглиз даврида бошқа ноаниқ олмошлар билан бирикиши кўзга ташланади, масалан, *everyskon* = *every one*, *manu one*. Кейинчалиқ улар матнларда ва нутқда мустақил ишлатилади. Илк янги инглиз тили даврига келиб, ноаниқ олмошларда ҳам қаратқич келишиги *one's* пайдо бўлади.

Умуман, қадимги инглиз даврида кишилиқ олмошлари *ic*, *Þā*, *hē*, *hit*, *heō*, *wē*, *zē*, *hiē*, *hī*, *hū*; кўрсатиш олмошлари *sē*, *Þæt*, *sēo*, *Þā*, *Þes*, *Þis*, *Þeos*, *Þās*; сўроқ олмошлари *hwæt*, *hwylc*, *hwā* кабиларнинг келишиқ, шахс, сон, род категориялари мавжуд бўлган. Ўрта ва илк янги инглиз даврида кишилиқ олмошларида қаратқич келишиги йўқолиб, улар эгалиқ олмошларига қўшилиб посессивлик (эгалиқ) маъносини ифодалаган. Кишилиқ

¹⁴ Ильиш Б.А. История английского языка. – Москва: Высшая школа, 1963. – 120 с.; Русско-узбекский словарь. Государственное издательство иностранных и национальных словарей. – Москва, 1954. – 1046 с.

¹⁵ Иванова И.П., Чахоян Л.П. История английского языка. – Москва: Высшая школа, 1976. – 319 с.

олмошларининг қадимги шакли негизида, яъни *hi (he, ha), here, hem* скандинав тили асосида (*Peir, Peim*) янги шакллари *they, them, their* пайдо бўлган. Демак, кишилиқ олмошлари ўрта инглиз даврида бош келишиқда *ich, I, thou, hē, hi, ha, hit, shē, sho, ho, wē, yē, heō, they*; объект келишиғида *mē, thē, him, hit, her, hir, him, ūs, yow, hem* бўлган.

Туркийшунос олимлар ўзбек тили тарихини турлича даврлаштирадидлар. Ғ.Абдурахмонов, Ш.Шукуров, Қ.Маҳмудовларнинг “Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси” дарслиғида Н.Баскаков, С.Малов, А.Самойлович, А.Боровков, А.Шербак, О.Усмонов каби олимларнинг даврлаштириш масаласига муносабатлари келтирилган бўлиб, дарслиқ муаллифлари бу муносабатларни умумлаштирган ҳолда ўзбек адабий тили тарихий тараққиётини қуйидаги даврларга ажратадидлар:

1. Энг қадимги туркий тил (VII асргача бўлган давр тили); 2. Қадимги туркий адабий тил (VII асрдан X асргача бўлган давр тили); 3. Ўрта Осиё адабий тили (XI асрдан XIV асрларгача); 4. Эски ўзбек адабий тили (XIV – XVII асрларгача); 5. Янги ўзбек адабий тили (XVII – XX аср бошлари); 6. Ҳозирги ўзбек адабий тили (XX асрнинг 30 йилларидан то ҳозирги давргача)¹⁶.

Олимлар томонидан тилга олинган ушбу даврлардан “Энг қадимги туркий тил” даврига оид ёзма ёдгорлиқлар сақланиб қолган эмас. Аммо кейинги ўзбек адабий тили тарихи даврларига хос бўлган барча ёзма ёдгорлиқларда олмошлар қўлланилган бўлиб, олмошларнинг тарихий тараққиёти ўзбек тилшунос олимлари томонидан ўрганилган. Масалан, У.Санақуловнинг докторлик диссертациясида олмошлар эволюцияси хусусида сўз юритилиб, унда Тўнюқуқ, Култегин, Олтин ёруқ каби ёзма ёдгорлиқлар тилида қўлланган *бән (мен), нә, кәнту (кәндү), ўз, қамуз-қамуқ (ҳамма, барча), алқу (ҳамма), анақайа (ана-мана), сә си (сен), үшүл, өшәл, шүл, үш, ошнү, әшнү, нә-нә, нәчүк, нәлүк, нәтәк, нәгу, нәша, қай, қач, қан, қанда, қайан* сингари олмошлар таҳлил қилинган¹⁷.

С.М.Муталлибов XI аср ёзма ёдгорлиқлари материалларига асосланиб, олмошларни қуйидаги турларга ажратади: 1) кишилиқ олмоши; 2) кўрсатиш олмоши; 3) сўроқ олмоши; 4) белгилаш олмоши¹⁸.

Инглиз ва ўзбек тиллари олмошлар тасниғида тилшуносларнинг фикрлари бир хил эмаслиғи кўзга ташланади. Л.П.Винокурова инглиз тилидаги олмошларни ўн бир, И.П.Иванова, В.В.Бурлакова, Г.Г.Почепцовлар еттита турга ажратадидлар. В.Н.Жигадло, И.П.Иванова, Л.Л.Иофиклар эса ўн тўрт турини кўрсатадидлар. Булар кишилиқ, эғалиқ, ўзлик, кучайтирувчи, сўроқ, нисбий, кўрсатиш, бирғалиқ, ноаниқ, умумлаштирувчи олмошлар – *all, everybody, everything, both, every, each, either*; инкор олмоши, ноаниқ-

¹⁶Абдурахмонов Ғ., Шукуров Ш., Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Автонашр, 2008. – 527 б.

¹⁷Санақулов У.С. Ўзбек ёзма адабий тили фонетик, морфолоғик меъёрларнинг шаклланиши ва тараққиёти (илк босқич): Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 2007. – 61 б.

¹⁸Муталлибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. ЎзФА нашриёти. – Тошкент, 1959. – 240 б.

кишилик олмоши – *one*, умумлашган-кишилик олмоши – *one*; ажратувчи олмошлар – *other, others, another*¹⁹.

Ўзбек тили грамматикасида ҳам олмошларнинг тарихий ривожланиши чуқур ўрганилмаган, шу боис ҳозирги замон ўзбек тилида олмошларни аниқлаш ва уларни таснифлашда анчагина баҳсталаб масалалар мавжуд.

Олмош сўз туркуми махсус тадқиқ этилган ишларда ҳамда ҳозирги замон ўзбек тили морфологияси ўрганилган дарсликларда қуйидаги 7 турга ажратилади: 1) кишилик; 2) ўзлик; 3) кўрсатиш; 4) сўроқ; 5) белгилаш; 6) бўлишсизлик; 7) гумон олмошлари.

Юқорида келтирилган манбалардан маълумки, инглиз, ўзбек ва рус тиллари мисолида олмошларни таснифлашда тилшуносларнинг ёндашувлари бир-бирига номутаносиблиги натижасида бир хиллик йўқлиги кўзга ташланади.

Инглиз тилида нарса предмет, шахс, манзил, пайт, ҳажм, миқдорнинг ноаниқлигини ифодаловчи олмошларнинг анъанавий грамматикада қайд этилган синтактик функциялари ҳақида тўхталамиз.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги гап таркибида ноаниқ олмошлар барча синтактик вазифаларда келиши мумкин. Эга вазифасида:

1. *Everything will be all right [M.E. 403].*
2. *Кимдир чиқди [О.Ё. 239].*
3. *Бир нарса лип этгандай бўлди [О.Ё. 298].*

Кесим вазифасида ноаниқ олмошлар асосан инглиз тили мисолларида кўп учрайди:

1. *...he was not someone else [N.H. 21].*
2. *I'm not anybody at all [NH, 196].*

Демак, инглиз тилида *someone, something, anything, everything, anybody, somebody, all* каби ноаниқ олмошлар *to be* боғлама феълининг турли замон шакллари билан от-кесим вазифасини бажаради.

Ўзбек тилида гумон олмошларининг кесим ўрнида берилиши биз тўплаган мисолларда учрамади. Ўзбек тили тарихига оид манбаларда эса гумон олмошларининг кесим вазифасида келиши баъзи ҳолларда юз беради, деб таъкидланади. Ж.Ҳамдамов ўзбек тили тарихида қўлланилган фалън гумон олмошининг кесим вазифасида ишлатилишини таъкидлаб, “куш аты фалън турур”²⁰, деган мисолни келтиради.

Қуйидаги мисолларда ноаниқ олмошларнинг барча турдаги тўлдирувчи вазифасида келиши кузатилади:

1. *No, I don't want any [EH, 45].*
2. *Урғочи туялар кимдандир қизғонаётгандек газаб билан ўқирарди [Ч.А.301].*

¹⁹Жигадло В.Н., Иванова И.П., Иофик Л.Л. Современный английский язык. Изд-во литературы на иностр. языках. – Москва, 1956. – 350 с.

²⁰Ҳамдамов Ж. Ўзбек тили тарихи. II қисм. Тарихий морфология. Биринчи бўлим. – Самарқанд: СамДУ, 2003. – 180 б.

Инглиз ва ўзбек тилларида ноаниқ олмошлар аниқловчи вазифасини бажаради ҳамда асосан, гап таркибида от сўз туркумига тобе муносабатда бўлади.

1. *Bring me another glass of milk [E.H. 132].*

2. *Болалар отасидан ажраб қандайдир бир бекатчада тақдирнинг қаҳрига учраб қолди [Ч.А. 273].*

Инглиз ва ўзбек тилларидаги гап таркибида ноаниқ олмошлар ҳол вазифаларда келиши мумкин.

1. *We could get married and have a little cottage somewhere [M.E. 277].*

2. *У аллақаяқларда санқиб оҳ тортиб, пешонасига шатиллатиб уриб уйга қайтиб келди [С.А. 21].*

Иккинчи боб “**Гап қурилмасида ноаниқ (гумон) олмошларининг синтагматикаси**” деб номланади ва у тадқиқотда фойдаланилган лингвистик методларни ёритиш ҳамда инглиз ва ўзбек тиллари гап таркибида гумон олмошларининг синтактик ўрнини аниқлашга бағишланади.

Маълумки, жаҳон тилшунослигида барча амалий ва назарий грамматикаларда гап қурилмасининг синтактик таҳлили борасида, асосан, синтактик бирликларни бош ва иккинчи даражали бўлақларга ажратиб таҳлил қилиш амалиёти кенг тарқалган. Айрим инглиз тили тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, гап таркибида фақат эга ва кесим фарқланади. Бошқа бир гуруҳ тилшунослар фақат бош бўлақларни эътироф этиб, иккинчи даражали бўлақларни “modifiers” (ўзгартирувчи) атамаси билан морфологик жиҳатдан қуйидагича таснифлайдилар: а) *attributive Adjective Modifiers which modify a noun or pronoun*; б) *Objective Modifiers which modify a verb, an adjective or an adverb*; в) *Adverbial Modifiers which modify a verb, an adjective or an another adverb*²¹. Р.В.Зандворт эса, иккинчи даражали бўлақларни “Adverbial adjuncts” (равишли қўшилмалар)²², деб атайди.

Юқорида қайд қилинган мулоҳазалардан маълумки, гапнинг бош бўлақлари тўлиқ эътироф этилса-да, иккинчи даражали бўлақлар масаласида тилшунослар ҳанузгача тугал фикрга келган эмаслар.

Ўзбек тилшуноси А.Нурмонов “Систем тилшуносликда гапнинг структур элементлари гап бўлақлари ёки синтактик позиция, пропозитив структураси элементлари объектив реаллик структурасига нисбатан изоморфик, коммуникатив (актуал) структураси тема (маълум) ва рема (янги), модал структураси эса объектив ва субъектив муносабатлар нуқтаи назаридан ўрганилади”²³, деб таъкидлайди.

Гап қурилмаларидаги бош ва иккинчи даражали бўлақларга ажратиш тамойилларини тадқиқ этиш лингвистик методларни тўлиқ аниқлаб бера

²¹Curme G.O. A grammar of the English Language. Vol. 2-3. London – New – York: 2006. – 240 p.; Жилин И.М. Вариативность в синтаксисе современного немецкого языка. – Иностран. яз. в школе, 1990, №4-С. 81-85.; Кольшанский Г.В. Соотношения субъективных и объективных фактов в языке. – Москва: Наука, 1975 –231с.

²²Zandvoort R.W. A Handbook of English Grammar. Croningen: 1998. – 436 p.

²³Нурмонов А. Тилни системали ўрганиш ва синтаксиснинг айрим мунозарали масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. - №5. – Б. 22-26.

олмайди. Тилшуносларнинг гапнинг синтактик таҳлиliga турлича ёндашувларидан шундай хулоса чиқадики, ҳар бир гап бўлагининг морфологик ва синтактик хусусиятларини ўрганишда, уларнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланиши, лексик бирликларнинг қандай шаклда бўлиши ва қандай синтактик алоқа асосида бошқа синтактик бирликлар билан боғланиши инобатга олинishi керак, деб ҳисоблаймиз.

Турли тиллар тизимини қиёсий таҳлил қилиш қатор дифференциал белгиларни аниқлаш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, типологик нуқтаи назардан қиёслаш жараёнида дифференциал белгиларни тизимлаштиришда тил сатҳларини ўзаро чегаралаш мақсадга мувофиқ. Маълум тил материалини қиёсий ўрганишда тадқиқот учун танланган объектни синтагматик ва парадигматик жиҳатдан тавсифлаш мумкин, яъни умумий тил системасидан бир қанча қуйи системалар ушбу жараёнда ажратилади.

Профессор А.М.Мухин томонидан “ядро предикатив, ядро бўлмаган предикатив, субординатив, координатив, аппозитив, интродуктив” синтактик алоқалар²⁴ ҳамда гапни компонентларга ва синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш методлари ишлаб чиқилди. Бу методлар унинг издошлари томонидан тил бирликларини синтактик сатҳда қиёсий тадқиқ этишда кенг жорий этилмоқда²⁵. Зеро, гапни мазкур лингвистик методлар ёрдамида таҳлил қилиш қуйидаги имкониятларни яратади: биринчидан, гап таркибидаги синтактик бирликларнинг шаклий ва мазмуний хусусиятларини ўрганиш мумкин; иккинчидан, гапларни синтактик ва семантик жиҳатдан таснифини асослаб беради; учинчидан, гап таркибидаги элементларни синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилиш жараёнида тизимли муносабатларни синтактик қатламда ўрганишга ундайди. Чунки ҳар бир синтаксема синтактик бирликларнинг мазмунини ташкил этади, бу эса синтаксемалар парадигматик қаторини аниқлашда тадқиқотчига кенг имконият яратади; тўртинчидан, моделлаштириш ва экспериментал кузатиш методларидан фойдаланишга кенг йўл очиб беради. Шунингдек, синтаксемаларнинг систем муносабатларини ва уларнинг вариантларини ажратиш турли тизимли тилларда ноаниқ олмошли гапларни қиёсий тадқиқ қилишда асос хизматини ўтайди.

Бизнинг фикримизча, юқорида қайд этилганлар ноаниқ олмошли гаплар систем таҳлилининг асосий тамойиллари ҳисобланади. Ушбу тамойилларга риоя қилмаслик, танланган объектни атрофлича тадқиқ қилишга монелик қилади.

Гап таркибида ноаниқ олмошлар синтагматикасининг синтактик сатҳда тутган ўрни дистрибутив таҳлил методи орқали аниқланади.

Инглиз тили мисолида қуйидаги ноаниқ олмошли гапларни синтагматик йўналишда компонентларга ажратиб таҳлил қиламиз:

²⁴Мухин А.М. Структура предложений и их моделей. – Ленинград: Наука, 1968. – 230 с.; Мухин А.М. Модели внутренних синтаксических связей предложения // Вопросы языкознания. – Москва: 1970. - №4 – С. 68-80.

²⁵Мухин А.М. Синтаксемный анализ и проблема уровней языка. – Ленинград: Наука, 1980. – 303 с.

1. *Everyone watched* [N.H.154].

Ушбу гап ташки курилмасининг компонент таҳлили гап таркибида келган *everyone* ва *watched* синтактик бирликлари ўзаро ядро предикатив алоқа асосида боғланганлигини кўрсатади. Берилган гап қуйидаги компонент ва юнкцион моделларига тушади:

$$(1) \text{ Everyone watched } \overline{\left[\longleftrightarrow \right]} : \text{ Ю.М.1. } NP_1 \cdot NP_2 \text{ К.М.1}$$

Бу ўринда NP_1 - белгиси гапнинг эгасини (N – Nuclear сўздан олинган бўлиб, ядро маъносини англатса, P_1 – Predicated-предикатланувчи-гап эгасининг кесим орқали аниқланиши), NP_2 – белгиси эса гапнинг кесимни англатади (N – Nuclear – ядро маъносини, P_2 – Predicating-предикатловчи, гапнинг марказини ташкил этувчи унсур маъносини ифодалайди) ²⁶. Юқоридаги гапларнинг морфологик ифодаланиш томонларини ҳам изоҳлаш зарур.

$$(1) \text{ Everyone watched. } \overline{\left[\longleftrightarrow \right]} : \text{ Ю. М. 1a } \frac{NP_1}{P_{\text{ind}}} * \frac{NP_2}{Vf}; \text{ К.М.1a}$$

Гапда NP_1 компоненти ноаниқ олмош (P_{ind}) билан, NP_2 компоненти эса феълнинг шахсли шакли (Vf) билан ифодаланганлининг гувоҳи бўламиз.

Ўзбек тилида гап таркибида ядро предикатив 1 (NP_1) ўрнида ноаниқ олмошлар ядро предикатив 2 (NP_2) компоненти билан ядро предикатив алоқа асосида боғланади. Гап таркибида иштирок этган тобе компонентнинг дифференциал синтактик белгиси $\tilde{N}D$ билан белгиланади, бунда \tilde{N} -ядро бўлмаган, D - “dependent” сўздан олинган бўлиб, тобе маъносини англатади

1. *Эшикни кимдир журъатсизгина тақиллатди* [СА, 151].

Мазкур гапнинг компонент таркиби қуйидагича: $\tilde{N}D * NP_1 * \tilde{N}D * NP_2$.

Ушбу гап ядро компонентларини аниқлаш учун трансформация методининг тушириб қолдириш (тобе компонентларни) усулидан фойдаланиш мумкин:

(1) *Эшикни кимдир журъатсизгина тақиллатди* → ... *кимдир* ... *таққиллатди*.

Трансформация ҳосиласидан ушбу гапнинг юнкцион ва компонент моделлари қуйидагича бўлади:

$$(1) \text{ Кимдир тақиллатди. } \overline{\left[\longleftrightarrow \right]} \text{ Ю. М. 2 } \frac{NP_1}{P_{\text{ind}}} * \frac{NP_2}{Vf}; \text{ К.М.2}$$

Гумон олмошларидан *биров*, *алланима*, *алланарса*, *бир нарса*, *бир нима*, *бир кимса*, *бир*, *бир киши*, *аллаким*, *аллакимлар* ҳам гап таркибида ядро предикатив 1 (NP_1) ўрнида келиши кўзга ташланади:

Мазкур гап таркибида ядро компонентлар ядро предикатив алоқа асосида боғланиб, уларнинг морфологик хусусиятлари бир хил бўлса,

²⁶Мухин А.М. Лингвистический анализ: Теоритические и методологические проблемы. – Ленинград: Наука, 1976. – 282 с.


субординатив алоқа билан боғланган ядро бўлмаган тобе компонентлар турли сўз туркумлари билан ифодаланган бўлиши мумкин.

Йиғилган мисоллардан маълум бўлишича, ўзбек тили гап таркибида ядро предикатив 1 (NP₁) ўрнида уюшиқ ядро предикатив 1 синтактик бирликлар келиши мумкин, лекин бундай ҳолат жуда кам учрайди.

Ноаниқ олмошлар ядро предикатив 2 (кесим) ўрнида ҳам келиши мумкин.

1. *Poverty was anything* [M.E. 389].

Мазкур гап таркибида боғлама феъл ва ноаниқ олмошлар кесим, яъни ядро предикатив (NP₂) ўрнида келиб, NP₁ ўрнида келган компонентлар билан ядро предикатив алоқа асосида боғланади. Гапнинг юнкцион ва компонент моделини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

(1) *Poverty was anything*  ю.м. 4 $\frac{NP_1}{S} * \frac{NP_2}{cP_{ind}}$; К. М.4

Ўзбек тилида бадий асарлардан йиғилган фактик мисоллар таҳлил қилинганда, кесим вазифасида келган гумон олмошлари учрамади.

Ноаниқ олмошлар ядро бўлмаган тобе (ÑD) компонент ўрнида қуйидаги сўз туркумларига тобе бўлиб келиши мумкин:

а) отга тобе:

1. *You tired to talk to another kid* [N.H. 136].

б) феълга тобе:

2. *Ellie disappeared off somewhere* [N.H. 183].

в) сифатга тобе:

3. *He pretended any different* [N.H. 177].

Бу гаплар таркибида *another* (1), *somewhere* (2), *any* (3) ноаниқ олмошлари таянч компонентлар *kid* (1), *dissappeared off* (2), *different* (3) га субординатив алоқа асосида боғланади. Умуман олганда, ноаниқ олмошлар гап таркибида тобе компонент ўрнида келганда турли мустақил сўз туркумлари билан субординатив алоқа асосида боғланади.

Ўзбек тилидаги гап таркибида гумон олмошлари ядро бўлмаган тобе (ÑD) компонент ўрнида жуда кўп учрайди. Гумон олмошларидан *аллақандай*, *қандайдир* гап таркибида отга, сифатга ва сифатдошга тобе бўлиб келади.

1. *Ахён-ахёнда аллақандай қаландарлар, тунд юзли ясовулар от чоптиришиб келишарди* [СА, 237].

Мазкур гап таркибида ядро компонентлар билан гумон олмошларини аниқлаш мақсадида трансформация методининг тушириб қолдириш усулидан фойдаланиш мумкин:

(1) *Ахён-ахёнда аллақандай қаландарлар, тунд юзли ясовулар от чоптиришиб келишарди.* → ... *аллақандай қаландарлар ... от чоптириб келишарди.*

(1) *Аллақандай қаландарлар от чоптириб келишарди* → *аллақандай қаландарлар ... келишарди.*




Ю. М $\frac{\tilde{N}D}{P_{ind}} \cdot \frac{NP_1}{S} \cdot \frac{NP_2}{Vf}$; КМ

Гумон олмошларидан *алланималар, алланималарни, алланимани, алланарса* кабилар гап таркибида феълга тобе бўлиб келиши мумкин:

1. *У оғир ҳансираб, гулдираб алланималарни айтар эди [О.Ё. 93].*

Ушбу мисолда ядро компонентларни аниқлаш учун гумон олмошларидан ташқари, ядро бўлмаган тобе компонентларни тушириб қолдириш трансформация методи ёрдамида исботлаш ва ҳосила асосида бу гапнинг юнкцион ва компонент моделларини ҳамда уларнинг морфологик хусусиятларини аниқлаш мумкин.

(1) *У оғир ҳансираб, гулдираб алланималарни айтар эди* → *У... ..*
....алланималарни айтар эди.



Умуман олганда, гумон олмоши ядро бўлмаган тобе компонент ўрнида келганда бошқа тобе компонент, ядро предикатив 1 (NP_1), ядро предикатив 2 (NP_2) компонентларига субординатив алоқа асосида боғланади.

Ноаниқ олмошлар инглиз тили гап қурилмаларида ядро бўлмаган тобе предикатив 1 ($\tilde{N}DP_1$) компоненти ўрнида келиши мумкин.

1. *He just wanted everyone to have a good time [Е.Н. 323].*

Ушбу гаплар таркибида *everyone to have...* каби бирликлар инглиз тили грамматикаларида “*объектный инфинитивный оборот*”, “*objective with Infinitive Construction*”, “*Complex object*” каби атамалар ёрдамида мураккаб тўлдирувчи сифатида изоҳлаб келинмоқда.

Агар *everyone to have* унсурлари грамматикаларда қайд этилган атамаларга таяниб таҳлил қилинса, ушбу синтактик бирликлар ўзаро қандай синтактик алоқа асосида боғланган, деган саволнинг туғилиши табиийдир.

Тадқиқотимизда фойдаланилган лингвистик методлар асосида ёндашилса, *everyone* компоненти ядро предикатив 2 *wanted* компонентига субординатив алоқа, *to have* унсури билан ядро бўлмаган предикатив алоқа асосида боғланади. Ядро бўлмаган предикатив алоқа юнкцион моделда икки томони кўрсаткичли бир чизиқ [\leftrightarrow] воситасида белгиланади. Ушбу гапда *everyone* унсурининг дифференциал синтактик белгиси ядро бўлмаган тобе предикатив 1 ($\tilde{N}DP_1$) компоненти бўлса, *to have* эса ядро бўлмаган предикатив 2 ($\tilde{N}P_2$) компоненти ҳисобланади. Бу қурилмаларни исботлашда тушириб қолдириш трансформациясидан фойдаланилди ва бу гапнинг юнкцион ва компонент модели куйидагича тасвирланади:

He just wanted everyone to have a good time → *He... wanted everyone to have...*

Ноаниқ олмошлар ядро бўлмаган аппозитив предикатив 1 ўрнида келиши мумкин.

1. *We were both Americans [Е.Н. 179].*

Мисолда *both* элементи *We* билан ўзаро аппозитив алоқа асосида боғланади. Аппозитив алоқада, А.М.Мухиннинг таърифлашича, “...изоҳловчи нафақат бошқа аппозитив бирикма билан бевосита синтактик алоқага

киришади, балки ўша синтактик алоқа орқали билвосита структур алоқага киришади”²⁷. Мисолда *we* ядро предикатив 1(NP₁) компонентлари *were Americans* компонентлари билан ўзаро ядро предикатив алоқа асосида боғланган бўлса, *both* эса *we* компоненти билан аппозитив алоқа асосида боғланади. Буни тушириб қолдириш трансформацияси ёрдамида исботлаш мумкин:

(1) *We were both Americans.* → ...*both were Americans.*

Трансформация ҳосиласидан кўринишича, *both* унсури кесим *were Americans* билан ядро предикатив алоқа асосида боғланган. Лекин гапнинг асосий эгаси *we* билан аппозитив алоқа бўлганлиги учун *both* унсурининг дифференциал синтактик белгиси ядро бўлмаган аппозитив предикатив 1 (ÑAP₁) компонент деб аталади. Юнкцион моделда аппозитив алоқа ядро предикатив 1 компонентига қаратилган ўртасида кўрсаткичли бир чизик (←) билан белгиланади. Шундай қилиб, бу гапнинг юнкцион ва компонент моделини қуйидагича изохлаш мумкин:

We were both Americans.  Ю.М. $\frac{NP_1}{Pnp} \cdot \frac{\check{N}AP_1}{Pnind} \cdot \frac{NP_2}{cS}$ К.М

Ноаниқ олмошлар юқорида берилган синтактик ўринларидан ташқари ядро бўлмаган тобе уюшиқ бўлақлар ўрнида ҳам келиши мумкин:


1. *Bucanneers robbed everything and everybody* [ME 304].

Ушбу гапда *everything and everybody* тобе компонент ўрнида келиб, кесим ўрнида келган *robbed* компоненти билан субординатив алоқа асосида боғланади. У тушириб қолдириш трансформацияси орқали исботланади:

1) *Bucanneers robbed everything and everybody* → *Bucanners robbed everything* → *Bucanners robbed everybody*;

Мазкур гапда ноаниқ олмошлар *everything and everybody* ўзаро координатив ва гапнинг кесимига нисбатан субординатив алоқа асосида боғланади. Бу гапнинг юнкцион ва компонент моделларини қуйидагича изохлаш мумкин:

(1) *Bucanners robbed everything and everybody*....

 Ю.М. $\frac{NP_1}{S} \cdot \frac{NP_2}{Vf} \cdot \frac{IH\check{N}D}{Pnind} \cdot \frac{IHH\check{N}D}{Pnind}$ К.М

Компонент моделда уюшиб келган синтактик бирликларга Н (юнонча Номогеніус – уюшиқ), тобе компонент ўрнида келган унсуларга ÑD белгисини қўйиб, уларнинг тартиб билан келишини кўрсатиш учун рим рақамларидан фойдаланилди.

Инглиз тилида ноаниқ олмошлар синтагматик йўналишда гап таркибида ядро предикатив 1 (NP₁), ядро предикатив 2 (NP₂), ядро бўлмаган тобе (ÑD), ядро бўлмаган предикатив 1 (ÑDP₁), ядро бўлмаган аппозитив предикатив 1 (ÑAP₁) ва ядро бўлмаган тобе уюшиқ (HÑD) каби синтактик ўринларда келиши мумкин. Ўзбек тилида эса NP₁, NP₂ ва асосан ÑD компонентлари ўрнида келади.

²⁷Мухин. А.М. О грамматической категории залога в современном английском языке. НДВШ ФН. N3 – Москва, 1975. – С. 38-47.

Учинчи боб “Инглиз ва ўзбек тиллари гап таркибида ноаниқ (гумон) олмошларининг синтаксем тадқиқи” деб номланиб, унда иккинчи бобда аниқланган синтактик вазибаларда келган ноаниқ олмошларни семаларга ажратиб таҳлил қилиш, аниқланган компонентларнинг дифференциал синтактик-семантик белгиларини, уларнинг вариантларини ҳамда синтактик алоқалар асосида бошқа синтаксемалар билан бирика олиш имкониятларини аниқлаш назарда тутилади.

Гап қурилмасини синтаксемаларга ажратиб тадқиқ қилиш жараёнида энг аввал категориал дифференциал синтактик-семантик белгилар аниқланиб, улар қамровида нокатегориал дифференциал синтактик-семантик белгилар ёритилади. Инглиз ва ўзбек тилларида ёзилган бадиий асарлардан олинган мисоллар таснифланганда категориал белгилардан субстанциал ва квалификатив синтаксемалар доирасида индефинит (ноаниқ) синтаксема ва уларнинг парадигматик қатори аниқланди ва таққосланди.

Ноаниқ олмошлар эга ўрнида субстанциал индефинит агентив (SbIndAg), субстанциал индефинит агентив коллектив (SbIndAgCl), субстанциал индефинит агентив аддитив (қўшимча қилиш) (SbIndAgAd) синтаксемани ҳам ифодалайди:

1. *Everyone had left the cafe* [E.H. 150].
2. *Everybody went to school* [N.H. 11].
3. *Some of them were very exciting* [E.H. 92].

Бу гаплар таркибида *everyone* (1), *everybody* (2) синтактик бирликлар гап таркибида ядро предикатив 1 ўрнида келиб, категориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан субстанциалликни ифодалайди, нокатегориал белгилардан агентивлик, агентив коллектив ва индефинитликни ифодалайди. Демак, *everyone* субстанциал индефинит агентив (SbIndAg) ва *everybody* субстанциал индефинит агентив коллектив (SbIndAgCl) синтаксемани ифодалайди. Ядро предикатив 2 компоненти ўрнида келган *had left* (1), *went* (2) процессуал акционал синтаксемаларни ифодалайди. Улар ядро предикатив алоқа негизида субстанциал индефинит агентив ва субстанциал индефинит агентив коллектив синтаксемалар билан боғланади.

Ушбу гапларнинг синтаксем моделларини қуйидагича изохлаш мумкин:

(1) *Everyone had left the cafe.* SbAgInd*PrAc*SbOb

(2) *Everybody went to school.* SbAgClInd*PrAc*SbLcAL

3) *Some of them were very exciting* → *Some ... were very exciting* трансформацияга тушади ва *some* компоненти субстанциал индефинит квантитатив стивлик юклатилган синтаксемани ифодалайди. Шундай қилиб, *Some of them* субстанциал квантитатив электив стивлик юклатилган индефинит синтаксема ҳисобланади:

(3) *Some of them were very exciting.* –SbQunElStInd*QlfQlt*PrSt.

Ўзбек тилидаги мисолларда икки ва уч компонентли содда гаплар таркибида ядро предикатив алоқа асосида ядро предикатив 1 ва ядро предикатив 2 компонентлари иштирок этса, субординатив алоқа ёрдамида ядро бўлмаган тобе компонент ҳам ифодаланади.

1. *Биров чиқди* [Ў.Х. 228].
2. *Юрагини бир нарса тимдалаб ўтди* [ПК, 110].
3. *Аллакимлар унга салом берди* [ЎХН, 230].


Ядро предикатив 1 компоненти ўрнида *Биров, бир нарса, Аллакимлар* категориал белгилардан субстанциалликни ифодаласа, но категориал белгилардан агентивлик ва индефинит синтаксемани намоён этади. Ядро предикатив 2 ўрнида *чиқди, тимдалаб ўтди, салом берди* – процессуал акционал синтаксемани ифодалаб, ядро предикатив алоқа ёрдамида субстанциал индефинит агентив синтаксема билан боғланади. Иккинчи ва учинчи гап таркибидаги *юрагини* (2), *унга* (3) субстанциал объект синтаксемани ифодалаб, субординатив алоқа ёрдамида процессуал акционал синтаксема билан боғланади. Мазкур гапларнинг синтаксем моделлари қуйидагича:

- | | |
|---|---------------------------|
| (1) <i>Биров чиқди.</i> | <i>SbIndAg*PrAc;</i> |
| (2) <i>Юрагини бир нарса тимдалаб ўтди.</i> | <i>SbOb*SbIndAg*PrAc;</i> |
| (3) <i>Аллакимлар унга салом берди.</i> | <i>SbIndAg*SbOb*PrAc.</i> |

Гап таркибида ноаниқ олмошлар ядро предикатив 1 ўрнида индефинит синтаксемани ифодалаган бир вақтда яна бир бошқа синтаксема унга юклатилиши мумкин, яъни субстанциал квалитативлик юклатилган синтаксеманинг мавжудлиги аниқланади.

1.1-жадвал

Ядро предикатив 1 ўрнида келган индефинит синтаксема вариантлари



4. *Everything will be great* [N.H. 116].

Ноаниқ олмош *everything* субстанциал индефинит синтаксемани ифодалайди, аммо унга қўшимча ифодаланган квалитативликни аниқлаш учун ядро предикатив 2 ўрнида келган *will be great* бирликнинг дифференциал синтактик-семантик белгиси квалитативлик бўлиб, унинг доирасида квалитативлик мавжудлигини англаб етиш зарур. Квалитатив синтаксема, Н.А.Антипинанинг қайд қилишича, асосан “to be + adjective” бирикмаси ёрдамида ифодалангани, аммо уни статив (ҳолат) синтаксемадан

фарқлаш керак²⁸. Аммо олима квалитатив модал синтаксемани аниқлаш билангина чегараланади. Уларни бир-биридан фарқлашда квалитативликни ифодалаган бирликнинг компаративликни ифодаловчи шакллари кўшимча қилиши мумкин: *will be great* → *greater*.

Демак, ядро предикатив 2 ўрнида келган синтактик бирлик квалификатив квалитатив синтаксемани ифодалаш натижасида ядро предикатив алоқа асосида ядро предикатив 1 ўрнида келган ноаниқ олмошга квалитативлик юклатилади. Шунинг учун ҳам *everything* субстанциал квалитативлик юклатилган индефинит синтаксема ҳисобланади.

(4) *Everything will be great. SbQ1tInd*Q1fQ1t;*

Ҳар иккала тил тизимидаги ноаниқ олмошларни гап таркибида ядро предикатив 1 ўрнида қиёсий-функционал таҳлил қилганда, инглиз тили материалида субстанциаллик доирасида нокатегориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан ўнта, ўзбек тилида бешта синтаксема аниқланди. Демак, ўзбек тилининг гап қурилмасидагига нисбатан ноаниқ олмошлар инглиз тилида кўпроқ қўлланилиши маълум бўлди.

Ядро бўлмаган тобе предикатив 1 ($\tilde{N}DP_1$) ўрнида келган ноаниқ олмошлар ифодалаган синтаксемалар ўзбек тилида инглиз тилига нисбатан синтаксемаларнинг анча кам турлари ифодаланиши маълум бўлди. Бунинг асосий сабаби ўзбек тилида ноаниқ олмошлар ядро бўлмаган тобе предикатив 1 компоненти ўрнида жуда кам учрашидир.

Мазкур бўлимда таҳлил қилинган мисоллар асосида инглиз ва ўзбек тилларидаги ноаниқ олмошларнинг ядро бўлмаган тобе предикатив 1 компоненти ўрнида келиб ифодалаган синтаксемаларини кўргазмали равишда қуйидагича умумлаштириб изоҳлаш мумкин:

1.2-жадвал

Ядро бўлмаган тобе предикатив 1 компоненти ўрнида келган синтаксема вариантлари

Инглиз тили		Ўзбек тили			
$\tilde{N}DP_1$ - Sb		IndObAg	$\tilde{N}DP_1$ - Sb		IndAg
		Ob _{st} Ind			IndPs
		ClcOb _{st} Ind			IndPsAg
		IndClcOb			
		IndClcObAg			
		IndObAddAg			
		Ob _{st} AddInd			
		IndExAg			

²⁸ Антипина Н.А. Составные синтаксические элементы “модальный глагол + инфинитив” и модальные конструкции в структуре предложений современного английского языка: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ленинград, 1974. – 20 с.

Тобе компонентлар ўрнида келган ноаниқ олмошлар субстанциал ва кваликатив индефинит синтаксемаларни ифодалайди, уларнинг вариантлари алламорфлик ва изоморфлик қатори доирасида таснифланди.

Объект синтаксема ва унинг вариантлари индефинит синтаксема базасида қиёсий-функционал таҳлил қилинди ва қуйидаги турлари фарқланди: субстанциал индефинит объект синтаксема – *SbIndOb*, аддитив–*SbIndObAd*, посессив–*SbIndObPs*, посессив аддитив – *SbIndObPsAd*, статив – *SbIndObSt*, статив компаратив – *SbIndObStCmp*, каузал – *SbIndObCs*, компаратив – *SbIndObCmp*, квалитатив – *SbIndObQlt*, социатив – *SbIndObSc*.

Ўзбек тили мисолида эса субстанциал индефинит объект синтаксемаларнинг вариантларидан квантитатив, статив, компаратив, дезидератив (хоҳиш), аттрибуцион (адресатга) кабилар аниқланди.

Ноядровий тобе компонент ўрнида келган ноаниқ олмошлар локативлик маъносини ҳам ифодалаши мумкин. Ушбу синтаксема ҳақида Г.С.Петрова инглиз тили гап таркибида *from+S* доирасида тадқиқот олиб борган ва субстанциал локатив синтаксемани аниқлашда *from+S* моделини трансформация методи ёрдамида *here, there* равишлари билан алмаштириш орқали исботлаш мумкинлигини таъкидлаган. Н.Ж.Сулаймонова ўзининг монографик ишида локативликни аниқлашда Г.С.Петрованинг фикрини қўллаб-қувватлайди²⁹. Аммо ноаниқ олмошлар ифодайдиган локатив индефинит синтаксема ҳақида ҳеч қандай фикр билдирилмаган.

Ноаниқ олмошлар билан субстанциал индефинит синтаксемада қуйидаги локатив синтаксема ва унинг вариантлари намоён бўлишини аниқлаш мумкин:

- Субстанциал индефинит соф локатив синтаксема: *I just heard it somewhere [E.H. 96]. Бирдан шабада унга галати бир овоз олиб келди. Қаердандир аёл киши куйларди [C.A. 332].*

Субстанциал индефинит соф локатив синтаксема бўлишли гап таркибида ноаниқ олмош “*somewhere*”, инкор гап таркибида “*anywhere*” ёрдамида ифодаланади. Индефинит локатив синтаксемани исботлашда ноаниқ олмошларни ўрин равишлари бўлган *here* ёки *there* билан алмаштириш мумкин. Ўзбек тилида гап таркибида локатив синтаксемани аниқлашда ноаниқ олмошлар қайси келишик шаклида бўлса, уларни “*бу ерда, у ерда*” ўрин равишларининг ўша келишик шакли билан алмаштириш мумкин:

(1) *I just heard it somewhere* → *I just heard it there*;

(2) *Бирдан шабада унга галати бир овоз олиб келди. Қаердадир аёл киши куйлайди* → ... *У ерда ...аёл киши куйлайди.*

- Субстанциал индефинит локатив аблатив синтаксема:

Ушбу синтаксема иш-ҳаракат, шахс ёки предметни манзилдан узоқлашишини англатади. Бу синтаксема маконни англатадиган элемент *from* предлоги билан берилади ва уни *here* ёки *there* равишлари билан алмаштирганда *from* предлоги сақланади:

²⁹Сулаймонова Н.Ж. Локативлик категориясининг синтактик-семантик ва дейктик хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Филол. фан. бўйича фал. док. (PhD) дисс... – Тошкент, 2018. – 153 б.

1. *One would pop up from somewhere* [N.H. 46].

(1) *One would pop up from somewhere* → *one would pop up from there*.

2. *Шу заҳотиёқ қаердандир яқиндан Мирзо Улуғбекнинг ҳорғин ва қувончли овози эшитилди* [О.Ё. 157].

(2) *Шу заҳотиёқ қаердандир яқиндан Мирзо Улуғбекнинг ҳорғин ва қувончли овози келди* → ...*У ердан...* *Мирзо Улуғбекнинг ҳорғин ва қувончли овози келди*.

Шунингдек, субстанциал индефинит локатив синтаксеманинг аллатив, посессив, аддитив вариантлари ҳам аниқланди. Тобе бўлак вазифасидаги ноаниқ олмошлар субстанциаллик базасида индефинит семанинг социатив, квантитатив, посессив, компаратив, компаратив аддитив, комитатив, компаратив тотал комитатив аддитив, каузал, финал вариантлари инглиз тили гаплар таҳлили асосида аниқланди.

Ўзбек тили гап таркибида ҳам субстанциал индефинит каузал (SbIndCs), субстанциал индефинит локатив (SbIndLc), субстанциал индефинит локатив аллатив (SbIndLcAl), субстанциал индефинит локатив аблатив (SbIndLcAb), субстанциал индефинит локатив посессив статив (SbIndLcPsSt), субстанциал индефинит локатив аллатив аддитив (SbIndLcAlAd), субстанциал индефинит статив (SbIndSt), субстанциал индефинит темпорал (SbIndTm), субстанциал индефинит посессив агентив (SbIndPsAg), субстанциал индефинит комитатив (SbIndCmt) каби синтаксемалар аниқланди.

Категориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан квалификатив ва унинг нокатегориал белгилари ҳақида қатор тадқиқотлар ўтказилган, аммо индефинит синтаксема квалификативлик доирасида кузатилмаган.

Инглиз тили гап таркибида ядро бўлмаган тобе компонент ўрнида ноаниқ олмошлардан *some* ва *any* асосида квалификатив индефинит синтаксеманинг вариантлари ҳамда ўзбек тили гап таркибида ноаниқ олмошлар қуйидаги квалификатив индефинит синтаксемаларни ифодалаши мумкин:

- Квалификатив индефинит квантитатив синтаксема:

1) *Jack poured in some water* [E.N. 129].

2) *Димогини ёриб юборгудай қўланса бир ҳид келар* [С.А. 207].

- Квалификатив индефинит тарз синтаксема:

1) *Couldn't you fix it up some way?* [E.N. 73].

2) *Қандайдир вишиллаб нафас олганини эшитди* [С.А. 306].

- Квалификатив индефинит темпорал синтаксема:

1) *I can wake him up any time now, Mister Adams* [E.H. 62].

2) *Қайси кун Рауф Абдуллаевич яна кирганда Шерзод шуни айтиб берди* [Ў.Х. 33].


Ишимизнинг ушбу фаслида инглиз ва ўзбек тиллари гап таркибида ноаниқ олмошлар ифодалаган квалификатив индефинит синтаксеманинг парадигматик қатори аниқланиб, қиёсий таҳлил қилинди.

Таҳлил қилинган мисоллардан ташқари инглиз тилида категориал белгилардан квалификатив индефинит доирасида ноаниқ олмошлар

квантитатив, квантитатив аддитив, квантитатив электив, квантитатив компаратив, объект электив, тарз, комитатив, темпорал, квантитатив темпорал синтаксемаларни ифодалашни аниқланди. Ўзбек тили гап таркибида ноаниқ олмошлар тобе компонент ўрнида квалификатив индефинит қамровида статив, статив посессив, квантитатив, квантитатив аддитив, квантитатив посессив, квантитатив объект, квантитатив социатив, посессив, локатив, локатив аллатив, каузал, темпорал, темпорал континуатив, темпорал статив, темпорал лимитатив, темпорал квантитатив, объект, тарз синтаксемаларни ифодалашни аниқланди.

1.3-жадвал

ЎД ўрнида келган ноаниқ олмошлар ифодалаган синтаксемалар



ХУЛОСА

1. Ҳар иккала қардош бўлмаган тиллар мисолида гумон олмошларининг морфологик категориялари (сон, келишиқ, эгалиқ кабилар) аниқланди. Жумладан, инглиз тилида келишиқ категорияси, ўзбек тилида эса сон эгалиқ категориялари мавжуд. Улар гап таркибида эга, тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол функцияларида келади. Инглиз тили мисоллар орқали кесим вазиғасида ҳам келишиқ исботланди.

2. Тадқиқотда гумон олмошли гаплар синтагматик йўналишда юнкцион ва компонент моделлар асосида таҳлил қилиниб, сўнгги босқичда парадигматик режада гап таркибидаги синтактик бирликларнинг дифференциал синтактик-семантик белгилари ва уларнинг вариантлари ҳамда синтактик алоқалар асосида бошқа синтаксемалар билан боғланиш имкониятлари аниқланди. Гумон олмошлар ҳар иккала тиллар гап таркибида ядро предикатив 1, ядро бўлмаган тобе компонент, ядро бўлмаган тобе уюшиқ компонентлар ўрнида келади. Ўзбек тилидан фарқли равишда инглиз тили гап таркибида ядро бўлмаган тобе предикатив 1, ядро предикатив 2 ҳамда ядро бўлмаган аппозитив предикатив 1 ўринларида келса, ўзбек тилида ушбу кўрсатилган икки компонентдан ташқари ядро предикатив 2 компоненти ўрнида учрамади.

3. Инглиз ва ўзбек тиллари гап қурилмасида гумон олмошларини синтаксемаларга ажратиб таҳлил қилишда категориал дифференциал

синтактик-семантик белгилардан субстанциал ва квалификатив доирасида индефинит синтаксеманинг вариантлари аниқланди. Инглиз тилида ядро предикатив 1 ўрнида келган гумон олмошлар субстанциал индефинит синтаксема доирасида 8 та синтаксема аниқланди, ўзбек тилида эса 5 та синтаксемалар ифодаланган.

4. Ядро предикатив 2 компоненти ўрнида гумон олмошлар фақат инглиз тили мисолида идентификацияловчи агентив, идентификацияловчи неготив идентификацияланувчи, посессив, идентификацияловчи неготив синтаксемалар ифодаланиши ўз аксини топди.

5. Ядро бўлмаган тобе предикатив 1 ўрнида келган гумон олмошлар инглиз тилида индефинит объект аддитив, статив юклатилган объект индефинит, коллектив статив юклатилган объект индефинит, коллектив объект, индефинит коллектив объект агентив, индефинит объект аддитив агентив, статив юклатилган объект аддитив индефинит, индефинит экзистенциал агентив, индефинит посессив, индефинит посессив агентив синтаксемалар аниқланди.

6. Ядро бўлмаган тобе компонент ўрнида гумон олмошлар ифодалаган субстанциал индефинит синтаксема доирасида инглиз тили гап таркибида объект посессив, объект посессив аддитив, объект статив, объект статив компаратив, объект квалитатив, объект компаратив, объект атрибуцион, объект дезидаратив кабилар мавжудлиги кўрсатилди.

7. Индефинит локатив доирасида инглиз тилида соф локатив, локатив аблатив, локатив аллатив, локатив посессив, локатив аддитив, социатив, квантитатив, посессив, компаратив, компаратив аддитив, комитатив, компаратив тотал комитатив аддитив, каузал, финал каби вариантлари аниқланди. Ўзбек тили мисолида каузал, соф локатив, локатив аблатив, посессив статив, локатив аллатив аддитив, статив, темпорал, посессив агентив комитатив синтаксемалар ифодаланган.

8. Квалификатив индефинит синтаксема вариантларидан инглиз тилида квантитатив, квантитатив аддитив, квантитатив электив, квантитатив компаратив, тарз, комитатив, темпорал, квантитатив темпорал; ўзбек тилида статив, статив посессив, квантитатив аддитив, квантитатив посессив, квантитатив объект, квантитатив социатив, квалитатив, квалитатив социатив, посессив, локатив аллатив, каузал, темпорал, темпорал континуатив, темпорал статив, темпорал лимитатив, темпорал квантитатив, объект, тарз синтаксемалар изоҳи белгиланди.

9. Умуман, инглиз тили мисолида гумон олмошлар ядро предикатив 1 ўрнида 10 та синтаксема, ўзбек тилида 5 та, ядро предикатив 2 ўрнида инглиз тилида 6 та, ўзбек тилида учрамади, ядро бўлмаган тобе предикатив 1 ўрнида инглиз тилида 8 та, ўзбек тилида 3 та, ядро бўлмаган тобе компонент ўрнида субстанциаллик доирасида инглиз тилида 23 та, ўзбек тилида 17 та, квалификативлик қамровида инглиз тилида 9 та, ўзбек тилида 18 та синтаксемалар аниқланди. Жами бўлиб, инглиз тилида ноаниқ олмошлар ифодалаган индефинит синтаксемалар 48 та, ўзбек тилида 37 та синтаксема ўз аксини топди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

ЭГАМНАЗАРОВ КОБИЛ АБДУНАЗАРОВИЧ

**СРАВНИТЕЛЬНО-ТИПОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ
НЕОПРЕДЕЛЁННЫХ МЕСТОИМЕНЕЙ В СИСТЕМЕ
НЕРОДСТВЕННЫХ ЯЗЫКОВ (НА ПРИМЕРЕ АНГЛИЙСКОГО И
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ)**

10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и переводоведение

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам**

Самарканд – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.1.PhD/Fil1183.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном институте иностранных языков. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета www.samdchti.uz информационно-образовательного портала «Ziyonet» www.ziyonet.uz.

Научный руководитель: Усмонов Урол Усмонович
кандидат филологических наук, доцент

Официальные оппоненты: Хайруллаев Хуршид Зайниевич
доктор филологических наук, доцент


Каландаров Айбек Рузимбаевич
доктор философии по филологическим наукам (PhD)

Ведущая организация: Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится 31 августа 2022 года в 10:00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 при Самаркандском государственном институте иностранных языков (Адрес: 140104, Узбекистан, Самарканд, улица Бустонсарой, дом 93. Тел.: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного института иностранных языков (зарегистрирована за № 51136). Адрес: 140104, Узбекистан, Самарканд, улица Бустонсарой, 93. Тел.: (99866) 238-29-37.

Автореферат диссертации разослан 19 августа 2022 года.
(Протокол реестра рассылки за № 44 от 19 августа 2022 года).



И.М.Тухтасинов
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор педагогических наук, профессор

Г.К.Мирсанов
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук, доцент

Ш.С.Сафаров
Председатель Научного семинара по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой лингвистике вопросы систематического изучения спорных аспектов традиционного синтаксиса, сравнительно - функционального анализа категории неопределённости в составе предложения с помощью неопределённых местоимений, исследования их межъязыковых отношений всегда привлекали внимание учёных - языковедов. К тому же, существует потребность определения дифференциальных синтактико-семантических признаков языковых единиц, отображающих неопределённость выполняемого действия при определении прагматического выражения событий и явлений, а также детального освещения таких вопросов, как семантический синтаксис, на основе материалов родственных и неродственных языков. Наличие потребности в выполнении исследований на основе подходов, затрагивающих данные языковые теории, определяет актуальность темы.

В мировом языкознании описание языковой картины мира и её исследование на основе лингвистических методов создаёт перспективу научных изысканий. Кроме того, сопоставительный анализ синтаксических единиц, выражающих категорию неопределённости, имеет большую значимость при определении типологической общности и специфики для изучения восприятия неопределённости в системе английского и узбекского языков и её применения в речевой деятельности. В частности, принципы исследования аспектов, связанных с функциональной эффективностью явлений, свойственных категории неопределённости, дискурсивной интерпретацией, а также проявлением на синтаксическом уровне – не изучены в сравнительно - типологическом ракурсе в различных языках. Это, в свою очередь, определяет необходимость комплексного исследования данной темы.

В узбекском языкознании достигнуты определённые успехи в сравнительно-типологическом изучении неопределённых местоимений в системе английского и узбекского языков, однако присутствует необходимость использования новых методов анализа при определении синтаксических связей неопределённых местоимений в составе предложения в системе родственных и неродственных языков на синтаксическом уровне, то есть, анализа путём разделения на компоненты и синтаксемы. В данном исследовании классифицированы синтаксические роли и признаки неопределённых местоимений в составе предложения в синтагматическом плане. Парадигматика дифференциальных синтактико-семантических признаков выявленных компонентов изучена в сравнительно-сопоставительном аспекте. Это обогатит исследования, выполненные по данной теме, новыми взглядами и лингвистическими подходами. Результаты исследований сопоставительного характера подобного масштаба будут способствовать решению таких задач, как «внедрение передовых стандартов высшего образования, в частности поэтапный переход от образования,

учебные программы которого направлены на получение теоретических знаний, к системе образования, направленной на формирование практических навыков, исходя из международного опыта»³⁰.

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных указами Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», №ПП-3151 от 27 июля 2017 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в широкомасштабных реформах, осуществляемых в стране», №ПП-5117 от 19 мая 2021 года «О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан», а также другими нормативно-правовыми актами в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. В мировом языкознании синтактико-семантический анализ системы различных языков всегда находился в центре внимания учёных-лингвистов. Исследования местоимений проводили такие учёные, как Richard Hogg, David Denison, Alfred Bammesberger, Rodney Huddleston, Ash Asuden, С.Е.Вазелл³¹, российские лингвисты Т. Милевский, И.П.Крилова, Н.Баскаков, Ф.И.Буслаев³², узбекские языковеды Г.Абдурахмонов, Ш.Шукуров, Қ.Махмудов, Б.Юсупов³³ и др.

Анализом синтактико-семантических функций местоимений, а также изучением вопросов синтактико-семантического выражения языковых единиц и их сопоставительно-типологического изучения занимались Martin

³⁰ Указ Президента Республики Узбекистан № УП – 5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030» года /Халқ сўзи, 09.10.2019. №209 (7439)

³¹ <https://www.cambridge.org/9780521662277>; <https://www.twirpx.com/file/2227288/>; <https://www.amazon.com/Cambridge-Grammar-English-Language/dp/0521431468>; Ash Asuden. Relational nouns, pronouns and resumption // Linguistics and Philosophy (2005) Institute of Cognitive Science 2201 Dunton Tower, Carlton University, Ottawa, On KIS 5B6, Canada, 2005. – P. 375 – 446. ; Bazell C.E. Syntactic relations and Linguistic typology. – Longman, 1956. – 148 p.;

³² Милевский Т. Предпосылки типологического языкознания // Исследования по структурной типологии АН СССР. – Москва, 1963. – 280 с.; <https://bigl.ua/p1167068486-krylova-grammatika-sovremennogo>; http://www.orientalstudies.ru/rus/index.php?option=com_publications&Itemid=75&pub=4886; Буслаев Ф.И. Историческая грамматика русского языка. – Москва: Учпедгиз, 1968. – 623 с.

³³ Абдурахмонов Ф., Шукуров Ш., Махмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Тошкент: Автонашр, 2008. –527 б.; Юсуфов Б. Местоимения в староузбекском литературном языке (XV-XVI вв.) – Тошкент: Фан, 1991. –146 с.

Haspelmith, Waterman, T.Hewett, R.Quirk³⁴, российские ученые А.М.Мухин, О.Г.Ветрова, В.Н.Жигadlo, И.П.Иванова, Л.Л.Иофик, Б.А.Ильиш, Э.А.Макаев, Т.Милевский, В.С.Храковский³⁵, отечественные лингвисты У.К.Юсупов, Дж. Буранов, Т.Бушуй, Ш.Сафаров, У.У.Усманов, М.С.Каюмова, Ф.М.Усманов, Ш.Ашуров, Р.Асадов, М.Р.Жоллыбекова, Д.Т.Кубейсинова, А.Р.Қаландаров³⁶ и другие.

Местоимения, обозначающие неопределенность, имеют общее значение во всех языках, в том числе и в узбекском. Такие местоимения в узбекском языке называются “гумон олмошлари”. Поэтому в исследовательской работе при анализе примеров на английском и узбекском языках вместо “гумон олмошлари” в некоторых случаях использовали понятие “ноаниқ олмош”³⁷.

В частности, в узбекском языкознании, в исследованиях И.Суярова, Х.Комиловой, О.Юсуповой³⁸ представлены подробные соображения о лингвистической природе неопределённых местоимений, их функционально-стилистической актуализации и грамматических свойствах. В исследованиях Б.Юсуфова, Х.Нематова, Дж.Хамдамова, У.Санакулова³⁹ присутствует

³⁴ [https://www.researchgate.net/publication/259810954_Indefinite_pronouns:_The_Historical_Use_of_the_Relative_Pronouns_in_English_Literature_\(jstor.org\);](https://www.researchgate.net/publication/259810954_Indefinite_pronouns:_The_Historical_Use_of_the_Relative_Pronouns_in_English_Literature_(jstor.org);) <https://www.amazon.com/Cambridge-Grammar-English-Language/dp/0521431468>; Quirk R. A University Grammar of English. “Vysšaja škola”, Moscow: 1982. – 391 p.

³⁵ Мухин А.М. Функциональный синтаксис. Функциональная лексикология. Функциональная морфология. – Санкт – Петербург: 2007. – 198 с.; Ветрова О.Г. Вокативность как синтаксико-семантический признак // Лингвистические исследования – 1981. Грамматическая и лексическая семантика. АН СССР. Институт языкознания: –Москва:1981. – С. 44-49.; Жигadlo В.Н., Иванова И.П., Иофик Л.Л. Современный английский язык. Изд-во литературы на иностр. языках. Москва, 1956. – 350с.; Ильиш Б.А.История английского языка. – Москва: Высшая школа, 1963. – 120 с.; Макаев Э.А. Сравнительно-сопоставительная и типологическая грамматика // Вопросы языкознания. – Москва: Наука, 1964. №1. – С. 3-13.; Милевский Т. Предпосылки типологического языкознания // Исследования по структурной типологии АН СССР. – Москва, 1963. – 280 с.; Храковский В.С. Некоторые проблемы синтаксической типологии // Acte Universites Carolinae – Philologica, 1974. – С. 4-12.

